2018 ЙИЛ 6 МАРТ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 44 (13.641)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

**биринчидан,** айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишни таъминламаяпти;

**иккинчидан,** мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

**учинчидан,** давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермаяпти;

**тўртинчидан,** жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибини сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

**бешинчидан,** спорт кадрларини, айниқса, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермаяпти;

**олтинчидан,** жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, нооқилона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

**еттинчидан,** спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-машқ жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаяпти;

*(Давоми 2-бетда)*

## ADWEEK ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимизда ADWEEK маркетинг ва реклама ҳафталиги доирасида маркетинг конференцияси, маркетинг ва реклама кўргазмаси, реклама танлови ҳамда инновацион ярмарка, панелли мунозаралар бўлиб ўтди.***

"Миллий маркетинг маркази" корхоналар уюшмаси томонидан Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Интеллектуал мулк агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда маркетинг соҳасини ва рекламани такомиллаштиришга қаратилгани билан муҳимдир. Шу билан бирга, бундай чора-тадбирлар ушбу йўналишларда фаолият юритаётган мутахассисларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда ўз самарасини беради.

Айниқса, "International" меҳмонхонасида ўтказилган маркетинг ва реклама кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда мамлакатимизнинг реклама агентликлари, дизайн-студиялар, web-студиялар, матбаа корхоналари, медиа агентликлари, маркетинг агентликлари иштирокчиларни ўз фаолияти билан яқиндан таништирди.

– Кўргазмада йигирмадан ортиқ компания ва корхона ўз имкониятларини намойиш этди, – деди "Миллий маркетинг маркази" корхоналари уюшмаси бошқаруви раиси Д.Мирзаахмедов. – Бу жараён улар учун нафақат мижозлар жалб қилиш, балки ходимлари учун соҳаси бўйича билим ва тажрибасини оширишга пухта замин яратди. Қолаверса, бу кўргазма маркетинг бозорида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиш учун манба бўлди.

ADWEEK реклама танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўзига хос тарзда ташкил этилди. Унда компания, корхона ва олий таълим муассасалари талабаларининг 250 дан ортиқ иши кўриб чиқилди. Якуний натижага кўра, "Реклама соҳасидаги ютуқлари учун", "Реклама соҳасидаги хизматлари учун" ва "Рекламани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" ва бошқа номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

– Танлов ғолиби бўлганимиздан хурсандмиз, – деди "Зийнат дизайн" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Эркабоев. – Бугунги ютуқ ўтган йиллар мобайнида тўплаган тажриба ва саъй-ҳаракатимиз натижаси, албатта. Кўплаб мижозларга эга корхонамиз фаолияти учун бундай ишонч ва эътибор бизни янада аъло даражада ишлашга ундайди. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларидан миннатдормиз.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## БМТ ОЛИЙ КОМИССАРИ: БИЗ ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИЯТИНИНГ ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

***Женевада БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 37-сессияси доирасида Ўзбекистон адлия вазири Р.Давлетов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидовдан иборат мамлакатимиз делегацияси БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн билан учрашди.***

Музокаралар чоғида томонлар инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларини муҳокама этдилар.

Ўзбекистонда барча йўналишларда, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкам ҳимоясини кенгайтириш, одил судлов, суд ишларининг юритилишида самарадорлик ва сифатни ошириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳақидаги маълумотлар Олий комиссарда катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда Зайд Раад ал-Ҳусайн "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да мамлакатни ривожлантириш Стратегиясини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий якунлари, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" билан танишди.

Олий комиссар 2017 йил май ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифини, Тошкент ва Нью-Йоркда Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган музокараларини илиқлик билан ёдга олди. У Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида давом этаётган демократик ўзгаришларга ижобий баҳо берди. Масалан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, халқаро андозаларга мувофиқ равишда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ишларининг муҳимлиги қайд этилди.

БМТ вакили Ўзбекистон ривожланишнинг тўғри йўлидан бораётганини алоҳида таъкидлар экан, Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муҳити муҳим эканлигини ҳам қайд этди.

Зайд Раад ал-Ҳусайн Ўзбекистон раҳбарининг 2018 йил кузида Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказиш ҳамда Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиш тўғрисидаги ташаббусини олқишлади.

Олий комиссар ўз Бошқармаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг барча йўналишларида Ўзбекистон билан бой мазмунли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини тасдиқлади.

**"Жаҳон" АА,**
*Женева*

## "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУИДА АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши қўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.***

Ўзбекистон раҳбари **минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир стратегик қарашларини** 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди. Сўнг ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги конференцияда **давлатимиз раҳбари Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини таклиф этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларидаги дастурий низомлар, унинг Марказий Осиё ва Афғонистондаги жорий вазият, ривожланиш истиқболларига берган баҳоси халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Евроосиёнинг "юраги"да жойлашган Марказий Осиё Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприкдир".** Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, **Марказий Осиёда жаҳоннинг қудратли давлатларининг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти адолатли саволларни ўртага ташлади: **минтақада вазият қандай ривожланади? Бу ерда қандай сценарий устун келади – низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?**

Бу саволга жавоб равшан – **энг аввало, барчаси Марказий Осиё давлатлари минтақанинг умумий келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга нечоғли тайёрлигига боғлиқ.**

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшнилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек: **"бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат".**

Айни пайтда энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири – **қўшни Афғонистондаги низони ҳал қилмасдан туриб олдимизда турган мақсадларга эришишнинг иложи йўқ,** чунки у тарихий ва геосиёсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

*(Давоми 3-бетда)*

## ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида 5 март куни Туркия парламентининг "Туркия – Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Ҳайдар Али Йилдиз бошчилигидаги Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан учрашувда дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлиги турли йўналишларда жадал тараққий этаётгани, парламентлараро алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани эса ўзаро муносабатларнинг янада кенгайишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Туркия Республикаси билан барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро муносабатларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Туркия Республикаси парламенти делегациясининг ушбу ташрифи парламентлараро мулоқот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига давлат ташрифи давомида эришилган келишувларнинг амалий самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан суҳбатда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Термизда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг "Раҳбар ва ёшлар" лойиҳаси доирасида Сурхондарё вилояти ёшлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Ёш истеъмолчилар дуч келаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг ечими изланди. Ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.**

**• Наманганда "Ёш талантлар инновациялари – ҳаётга" шиори остида ўқувчилар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари, давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда "Баркамол авлод" болалар марказлари қошидаги тўгаракларда фан-техника сирларини ўрганаётган иқтидорли ёшлар ўз ихтиролари, техник ишланмалари билан иштирок этди.**

**• Тошкент вилояти Чиноз туманида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Аёл бахтли бўлса, юрт фаровон бўлади" деб номланди. Тадбирда узоқ йиллар давомида турли соҳаларда сермаҳсул фаолият юритган партиянинг фаол аёлларига ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги тинчлик, жонажон юртимиз ва мунис аёлларни улуғловчи куй-қўшиқлар, шеърлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.**

**• "Намунали ички ишлар органлари таянч пунктлари" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида "Жиззахлик" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 6-ички ишлар органлари таянч пункти энг намунали деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

### ЖАҲОНДА

**• Француз Альпларида қор кўчкиси рўй бериши натижасида икки киши ҳалок бўлди, битта одам бедарак йўқолди.**

**• Италиянинг "Фиорентина" футбол жамоаси сардори 31 ёшли Давид Асторининг тунда юраги тўхтаб қолиб, ҳаётдан кўз юмиши натижасида кўплаб таъзияномалар билдирилмоқда. Шу муносабат билан Италия чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилмади.**

**• БМТ фонди мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Амазония ўрмонларининг 17 фоизи қирқиб тугатилганлиги сайёрамизнинг кислород билан таъминланишига жиддий хавф солмоқда. Ушбу ноёб ўрмоннинг катта қисмини нобуд қилиш Бразилия ҳиссасига тўғри келади. Табиий бойликларга нисбатан бундай нотўғри ёндошув натижасида 5 миллион квадрат километрлик ўрмоннинг ярмиси тез орада чўл саваннасига айланиши мумкин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**саккизинчидан,** жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфланишининг асослилиги ва ҳаққонийлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суиистеъмолчиликларни бартараф этишга қаратилган самарали механизми шакллантирилмаган;

**тўққизинчидан,** халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари **негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги**ни (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шаффофликни таъминлашга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқилона фойдаланилишини таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиш даражаси ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррупция ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари негизида **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсунадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган **туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари**ни ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги **Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизида **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини** (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш;

жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида "Спорт" эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидаги нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида **"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими"** фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. **Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

3. Белгилансинки:

Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари), кафедра мудирлари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширади.

4. Қуйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

**мактабгача таълим муассасаларида** – бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

**умумтаълим мактабларида** – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўгараклари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

**ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида** – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўгараклари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

**олий таълим муассасаларида** – истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудири лавозимларига халқаро даражадаги спорт мусобақалари ғолиблари тайинланиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудирлари)ни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик томонидан олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган танлов натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудирлари)нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талаба)ларни жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудирлари)ни моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;

туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича "Ёшлик", "Баркамол авлод" ва "Талаба" жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакиллари олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш квоталарини келишишда ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратилаётган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-машғулот жараёнларига кенг жалб қилишни таъминлайди.

7. Қуйидагилар ташкил этилсин:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган "Азия-Чимган" меҳмонхонаси негизида миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида "Алоқачи" соғломлаштириш оромгоҳи негизида гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида "Гулнора" соғломлаштириш оромгоҳи негизида спорт яккакурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилаётган марказлар тасарруфида бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси тасарруфига беғараз ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийларига фаолиятнинг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шуғулланмаслик шарти билан пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,

Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шунингдек, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича соддалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб, спорт мактабларида тренер сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома муддати тугаган тренерлар кўпи билан тўрт ой муддатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги рухсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018-2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун вазирлик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

10. Вазирлик:

икки ой муддатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узоқ муддатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой муддатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаш тартибини ташкил этиш тизимини танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой муддатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлик машқлари давомида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб бориш тартибини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориши ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда республика ҳудудида жисмоний тайёргарликни ташкил этишнинг ягона талабларини белгилашни таъминловчи, олимпия спорт турлари бўйича тайёргарликнинг ягона меъёрларини спорт таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этишни таъминласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июнга қадар спортнинг қишки ва ўйин турларининг ривожланиши ва оммалашишининг амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишки ва ўйин турларини янада ривожланиши юзасидан таклифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш таклифини киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Низомини тасдиқлаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг ташкилий-штат тузилмаси тасдиқлансин;

икки ой муддатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта кўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умумий таълим юкламасидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой муддатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, узлуксиз ўқув-машғулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаши учун шароит яратишни инобатга олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой муддатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой муддатда тренерлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва рухсатнома олиш тартибини соддалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси икки ой муддатда Мудофаа вазирлигининг спорт клуби, "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва Касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоравий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шуғулланишига имкони бўлган секция ва тўгараклар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4956-сон Фармони биринчи банди учинчи хатбошиси ва учинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

16. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 5 март*

# ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берилди.

Учрашувларда Ҳайдар Али Йилдиз сўнгги пайтларда икки мамлакатнинг олий вакиллик органлари ўртасидаги алоқалар фаол ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Бу каби амалий мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва албатта парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Шунингдек, Туркия парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг "Туркия – Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳининг илк қўшма мажлиси ўтказилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг "Туркия – Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") имзоланди.

Туркия делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум ва кооперацион биржа ҳам ўтказилди. Савдо-саноат палатаси ва Олий Мажлис Сенати ҳамкорлигида ташкил этилган форумда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, инвестиция, савдо-саноат, туризм, қурилиш, электротехника, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда туркиялик ишбилармонлар мамлакатимизга сармоя киритиш истиқболлари, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаси, тўқимачилик ва енгил саноат, сайёҳлик соҳасидаги имкониятлар билан танишди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган комплексларни қуриш, тўқимачилик ва текстиль саноатида янги лойиҳаларни амалга ошириш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни туркиялик меҳмонлар Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбекистон – Туркия савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари" мавзуида ташкил этилган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

**Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН

***Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ватан, жамият олдидаги масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги "Ёшлар Парламенти" депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар ҳам айни мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.***

"Ёшлар Парламенти" депутатлигига Тошкент шаҳридаги олий таълим даргоҳларидан 93 нафар талаба ўз номзодини қўйди. Сайлов участкалари сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси танлаб олиниб, уларда коллежларнинг ўттиз беш минг нафар ўқувчиси сайловчи сифатида иштирок этди.

"Ёшлар Парламенти" депутатлигига сайлов кампанияси жорий йилнинг 7 февралидан эълон қилинган бўлиб, 17 февралдан 1 мартга қадар сайловолди тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, 2017 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ёшлар саммити – 2017"нинг 36 нафар ғолиби "Ёшлар Парламенти"нинг дастлабки депутатлари бўлиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Жорий йилнинг 3 март куни эса "Ёшлар Парламенти" аъзоларининг сафи янада кенгайди. Бўлиб ўтган сайловларда 34 нафар йигит-қиз депутатликка сайланди. Улар ўзлари сайланган ҳудуддаги ёшларга оид ижтимоий, маърифий долзарб масалаларни ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар тайёрлашда фаол ҳисса қўшиши кўзда тутилган.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# “ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК” МАВЗУИДА АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш – Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиёти кафолатидир. Самарқанддаги халқаро анжуманда сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Президенти **хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “ялпи хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғридан-тўғри даъват** қилди.

Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфази портларига энг қисқа йўлини таъминлаши, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шу муносабат билан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишнинг асосий масалалари бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсусни тасдиқлаш, мамлакатда миллий ярашув бўйича **афғонистонликлар раҳбарлигида ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан** амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишнинг қатъий тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади.** Мамлакатимиз қўшни давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу жиҳатдан **Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини ўтказиш ташаббусининг илгари сурилиши Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича умумий стратегиясининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.**

**Мамлакатимиз афғон муаммосига бағишланган деярли барча халқаро форумларда фаол иштирок этмоқда.** “Кобул жараёни”, “Москва формати”, “Осиё юраги – Истанбул жараёни” форуми, Афғонистон бўйича халқаро алоқа гуруҳи, “ШҲТ – Афғонистон” алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси шулар жумласидандир.

19 январь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилиши давомида Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан Тошкент форумининг қўшма тақдимоти ташкил этилди.

Тошкентдаги конференция 28 февраль куни Афғонистон пойтахтида ўтган “Кобул жараёни”нинг иккинчи йиғилишидан сўнг бўлади ва **халқаро ҳамжамият томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлади.**

**Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани сўзга чиқадилар.**

Тошкент учрашувида иштирок этиш учун БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва ташкилотнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари таклиф этилган.

Форум иштирокчилари минтақавий ва глобал даражада тез орада **Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларни илгари сурмасдан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш зарурияти хусусида умумий нуқтаи назар баён этилиши кутилмоқда.**

Конференция якуни бўйича **Тошкент декларацияси** қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, унда қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда:

**биринчидан,** тинчлик жараёни афғонистонликларнинг бевосита раҳбарлиги ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қарорлари низомларига мувофиқ амалга ошиши керак;

**иккинчидан,** қуролли мухолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ва қонуний сиёсий куч сифатида эътироф этилиши тинчлик жараёнининг муҳим омили ҳисобланади;

**учинчидан,** халқаро ҳамжамият терроризмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишига қарши бўлиб, трансмиллий терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик таҳдидлари нафақат Афғонистон, балки умуман бутун минтақа ва жаҳоннинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига умумий хавф саналишини эътироф этади.

Тошкент конференцияси арафасида, шунингдек, ҳамкорликнинг янги шаклидаги **“Марказий Осиё + Афғонистон” (С5+1)** биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилма алоқалари тизимига муваффақиятли интеграцияси, умумминтақавий миқёсдаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

**Тошкент конференцияси ҳақидаги ташаббусни илгари сурар экан, Ўзбекистон уни бир марталик тадбир сифатида ўтказиш билан чекланиб қолмай,** ундан кейин ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлар доирасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсий жараёнга кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш асносида Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ечиш бўйича сиёсий жараённинг фаол иштирокчисига айланмоқда.** Бу жараёнда асосий роль ва жавобгарлик ўз мамлакати келажагини белгилаши ва қуриши керак бўлган афғонистонликларнинг зиммасида эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Тошкент конференцияси олдида турган юксак мақсадлар, шунингдек, унинг ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари, ШҲТга аъзо давлатлар ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг бешта мамлакати иштирок этиши бутун дунёда форум ишига катта қизиқиш уйғотмоқда. Тадбирни ёритишда қатнашиш учун жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг катта гуруҳи ташриф буюриши кутилмоқда.

**Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро учрашув якунлари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг изчил ривожланиши учун шароит яратиш йўлидаги муҳим босқич бўлиб, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ва уни минтақа ва умуман бутун дунёдаги бунёдкорлик жараёнига жалб этишга хизмат қилишига умид қиламиз. Тошкент форумининг муваффақияти минтақа давлатларининг тинчлик ва тараққиёт учун кенг имкониятлар эшигини очган ҳолда, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан умумий муаммоларни ҳал этишга қодирлигини намоён қилиши даркор.**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ташқи ишлар вазирлиги**
**Матбуот хизмати**

## Тўй ва маросимларимиз – қадриятларимизга мос бўлсин

***Бундан юз йиллар аввал Абдулла Авлоний бобомиз: “Ҳой инсонлар, тўйларимизни бироз қисқартирайлик!”, – деган эдилар, то ҳанузгача одамлар қулоқ солмай келаяпти. Абдулла Қодирий бобомиз: “Ҳой аҳли мусулмон, инсоф борми сизда, тўйга сарф бўладурғон ақчангизни илмга сарфласангизчи?” дея хитоб қилган эдилар, хитоб хитоблигича бирор жавобсиз қолиб кетди.***

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳам бу борада кўп хайрли Фармойишлар чиқарди. Жуда кўп бидъат ва хурофот ишлар барҳам топди. Аммо илм шароби билан тўлмаган паймоналарга яна илмсизлик оғуси тўла бошлади. Абадий савол яна қаршимиздан кўндаланг чиқди: “Энди нима қилмоқ керак?”

Яна илмга эмас, тўй-ҳашамга ружу қўя бошладик, яна тараққиёт эмас, ҳузур-ҳаловат сари йўл олдик. Китоб эмас, эгнимизга кийимбош сотиб ола бошладик. Яна китоб дўконлари, кутубхоналар эмас, чойхона, ресторан, барлар қуришга ружу қўйдик.

Мабодо бирор ўтиришда, чойхонада, гап-гаштакда футбол ҳақида гап ташласанг соатлаб баҳслашади, ёқангни йиртгудек бўлиб томоғингни бўғади, аммо имом Бухорийдан бир сўз айтсанг, ҳаммаёқ совийди, ёвқараш бошланади. Бирор овқатнинг янги тури чиқибди десанг, қаерда деб, манзилини ипидан игнасигача суриштириб аниқлаб олади. Бир катта олим чиқибди, янги кашфиёт қилибди десанг, дарҳол, “ҳа чиқса нима бўпти, бирор нарса ўзгариб қолармиди?” дейди-да, дарҳол қулоғини кар қилиб олади. Гапдан тўхтаган заҳотинг, мавзуни ўзгартириб, бошқа нарсаларни гапириб кетади. “Тўйларимизни сал қисқартирайлик” деб қолсангиз борми, “Сени орзу-ҳавасинг йўқми?” дея ёввойи одамга қарагандай сени четга чиқариб ташлайди. Дарҳол бағритош, берахм, фарзандининг камолини ўйламайдиган, калтафаҳм одамга айланасан қоласан. Яқинда бир дўстим қизини чиқарди. Ишонасизми, келиннинг устига кийган либоси 22 килограмм экан. Либосни келин нафас ололмайдиган даражада қаттиқ боғлаб кийдиришган, шаҳар айлантиришган, фотосессия қилдиришган, тўйхонага олиб келишган. Йиқилиб қолай деб, бир ютум нафас ололмай базўр турган келин, тўйхонадаги базми жамшидда беш соатга яқин ўтирган, кейин келинни куёвникига олиб боришган, базмнинг давоми куёвникида давом этган, хуллас келин охири ҳушдан кетиб йиқилган. Ҳушдан кетган келинга “Тез ёрдам” чақириб зўрға ўзига келтиришган. То келин ўзига келгунча бир олам яхши, ёмон сўз унинг боши узра айланган.

Шунда ҳам ҳеч ким айбни 22 килограммлик либосга қўймаган. Бошимизга бало бўлган, куракда турмайдиган қилиқларимизга қўймаган. Либосни олиб берган, либосни кийдирган, шу либосни киймаганига қўймаган одамларга айбни тўнкашмаган, ҳамма айбни ёшгина келиннинг ўзига тўнкашган. Албатта унинг ҳам айби бор. Аммо айб шу урф-одатларимизни гуллаб-яшнатаётган тийиқсиз ва ҳакалак отган нафсимизда, шу нафсимизни жиловлай олмаганимизда.

Беҳуш бўлиб ётган келинни устида ҳам жиллақурса бизга шу ашқол-дашқол нимага керак ўзи деб ўйлай олмаганимизда. Тўйдан кейин қарзга ботиб ўтирганимизда, шунча кераксиз сарф-харажат қилгунча кўрпамга қараб оёқ узатсам бўлмасмиди деб ўйлай олмаганимизда. Тўйдан тушган тўёналарни олиб, уни йиллар давомида қайтариш учун зир югурган пайтларимиз, тўйга кетган шунча сарф-харажатни ўғлимнинг ўқиши, илм олиши учун сарфласам бўлмасмиди, дея олмаганимизда.

Катта қора кўчқорларни боқишни, семиртиришни қотирамиз-у, болаларимизга тарбия беришни, ўқитишни, дунёнинг энг катта дорилфунунларида таҳсил олишини иккинчи даражали иш деб қараймиз.

Афсуски бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Қайси тўйхонада тўй қилиш ҳақида эса жуда кўп ўйлаганмиз. Деярли ҳаммасини бир-бири билан солиштириб кўрганмиз. Фалон ресторанда қилсам менга обрў бўлади, дея пинҳона ўйлаганмиз ҳам. Амалдорлар эса каттароқ тўёна олиш учун, амалидан кетмасдан тезроқ тўй қилиш пайида бўладилар. Пора дарҳол тўёна ниқобини кийиб, битмай турган ишларнинг битишига, юришмай турган ишларнинг юришиб кетишига хизмат қилади. Тўёна аслида тўй қилаётган одамга озгина мадад бўлиши учун берилади, аммо баъзида амалдорларга бериладиган тўёнанинг миқдори шу даражада бўладики, бу “тўёна” билан яна битта тўй қилса бўлади.

## МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР, ЁНАР ЎТГА СОЛОДУР...

Қизиғи шундаки, бирор бой данғиллама тўй қилса, одамлар — “шунча нарсани исроф қилдинг, столдаги нарсалар ейилмай қолиб кетди, ихчамроқ қилсанг бўларди, ҳа майли нима ҳам дердик, бу бойда, бунинг чўнтаги кўтаради, меники кўтармайди”, демайди. Мен ҳам шу бойга ўхшаб катта тўй қиламан, дейди. Кўрпага қараб оёқ узатишни ўзига ор деб билади. Мен бундан ақллироқман, исрофгарчиликка йўл қўя олмайман, меҳнат билан топган пулимни, болаларимнинг илм олиши, маънавий дунёсини бойитиш учун ишлатаман, тарбиясини яхшилашга хизмат қиладиган китобларни олиб беришга сарфлайман, демайди. Ер юзининг бошқа қитъаларидаги одамлар йигирма, ўттиз киши билан никоҳ тўйларини ўтказиб, бахтли-саодатли, ували-жували, каму кўстсиз, маънавий баркамол турмуш кечираётгани билан иши йўқ. Тўйи тантанали бўлмаса, ҳаёти ҳам тантанали бўлмайди, деб ўйлайди.

Тўй кўпчилик билан бўладиган тадбир. Бир одам тўйни қисқартираман деган билан қисқартиролмайди. Чунки, унинг ўзи ҳам камида уч юз, тўрт юз одамнинг тўйига борган. Демак, тўйга уч юз, тўрт юз одамни чақириши керак. Айтмаса, маломат тошларининг тагида қолиши аниқ. Қисқартириш учун ҳаммамиз гапни бир жойга қўйиб, зарур ва ўта муҳим, деган қарорга келишимиз керак. Биз учун бу ҳаётда тўйдан ҳам муҳимроқ ишлар бор. Бу ёшларимизнинг илм олиши, Ўзбекистон иқтисодини, маданиятини, санъатини дунёнинг энг буюк давлатлари даражасига олиб чиқиш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улушимизни қўшиш, янги техника кашфиётларига, жамиятимизга фойда келтирадиган илмий ихтироларга эришиш, илм-фан чўққиларини эгаллаш, жаҳон адабиёти дурдоналарини яратиш, дунё аҳли ҳавас қиладиган баркамол авлодни инсониятга армуғон қилишдир. Ушбу йўлда барчамиз бир ёқадан бош чиқарайлик азизлар!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада жуда долзарб ва ўта муҳим фикрларни илгари сурдилар. Кўпчиликни ўйлантираётган оғриқли саволларга жавобни баралла айтдилар. Бундан ҳар биримиз керакли хулоса чиқаришимиз шарт.

Ўзбегимнинг тўйлари кўпаяверсин, яхши кунлар бошидан ҳеч қачон аримасин. Доно халқимиз, “Меъёрида ишлатилса, заҳар ҳам минг дардга даводир”, дейди. Тўйлар қилайлик, фақат улар меъёрида, ихчам ва кўркам бўлсин. Бор кучимизни илму маърифат сари, жонажон Ўзбекистонимизни юксак маънавий тараққиёти сари йўналтирайлик, яхшилар.

**Муҳаммад ИСМОИЛ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси**

*Чилонзор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА 2018 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил, 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида, шунингдек Тошкент шаҳар “Давтехназорат” инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги 466-сонли хатини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Чилонзор туманида 2018 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгиласин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. “Давтехназорат” инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.chilonzor.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Туман ҳокимининг 2017 йил 13 январь кунидаги “Чилонзор туманида 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 38-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Паянов зиммасига юклансин.

**Чилонзор тумани ҳокими**
**Д.Хидоятов**

*2018 йил 15 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

***Қалбларимизни интиқ қилиб соғинтирган баҳор фасли, кўклам нафаси қутлуғ қадамлари билан муаззам заминимизга ташриф буюрар экан ўз бағрида энг гўзал ва улуғ байрамларни, яъни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами ва фасли Наврўзни ўзи билан биргаликда олиб келади.***

# АЁЛ БОРКИ – ОЛАМ МУНАВВАР

Баҳор шундай кўркам фаслки, унда табиат бор бўй-бастини, кўрку жамолини гуллар ифорида намоён қилади. Кўнгилларга энг беғубор ҳис-туйғуларни инъом этиб кириб келган кўкламой нафаси дилларга завқ, тинч ва фаровон кунлар учун бе-адад шукроналик туйғуларини уйғотади. Ана шундай кунларда байрамларга байрамлар уланади.

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан "Аёл борки – олам мунаввар" шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар шу-лар жумласидандир.

Ўзбек миллий академик драма театрида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги та-шаббуси билан байрам тад-бири бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар фасли баҳор ва аёллар бай-рамининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаш баробарида, Президентимизнинг жорий йилнинг 2 февралдаги "Хо-тин-қизларни қўллаб-қувват-лаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мам-лакатимизда хотин-қизлар-нинг ўрни ва мавқеини яна-да мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбат-лантириш, изланиш ва ин-тилишларини рўёбга чиқа-ришда дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкид-лашди.

– Юртимизда инсон қадри улуғ, жумладан хотин-қизла-римиз давлатимиз эътибори-да, – дейди Шайхонтоҳур ту-мани ҳокимининг ўринбосա-ри, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – Биз аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳ-камлаш борасида амалга оширилаётган ишлар сама-раси хотин-қизлар тақдири-да яққол намоён бўлмоқда. Бугун улар барча соҳалар-да ўзларининг иқтидори, са-лоҳиятини намоён этмоқда. Ўзбек аёли гўзал шарқона ахлоқий фазилатлар соҳиба-си сифатида кун сайин ўз нуфузини ошириб, ақл-заков-ати, шижоати ва серқирра меҳнати билан янада юкса-либ, қадр топиб бормоқда.

Байрам тадбири доирасида турли соҳаларда самара-ли меҳнат қилган аёлларга фахрий ёрлиқ ва эсда-лик совғалари топширилди. Таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандалари ижро-сидаги куй ва қўшиқлар йи-ғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Тадбир сўнгида "Ўжарлар" спектакли намойиш этилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: байрам тадбиридан лавҳа**

# СЕН АЗИЗ ВА МУҚАДДАССАН!

***Ўлкамизга ўзгача таровати, майин шабадаси ила кўнгилларни хушнуд этиб, баҳор кириб келди. Янгиланиш, яшариш, гўзаллик ва нафосат фасли бўлган баҳор ўзининг бетакрор байрамлари билан дилларимизга янада кўтаринкилик, хуш кайфият улашади.***

Уларнинг биринчиси 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни. Баҳорнинг дастлабки кунларида бу байрамнинг нишонланиши қандайдир рамзий маънони англатгандек. Зеро, гўзаллик ва нафосат каби сифатлар бежизга аёлларга нисбатан ҳам ишлатилмайди.

Айни кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Онажонларимиз, опа-сингилларимиз бай-рамига бағишланган тадбир Сергели туманидаги 303-умумтаълим мактабида ҳам ташкил этилди.

Унда ўқитувчилар, ўқувчилар, уларнинг оналари ва меҳмонлар қатнашди. Тадбир очилишида сўзга чиққан мактаб раҳбари Шоира Сулаймонова барчани байрам билан қутлаб, мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тар-зи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига катта аҳамият қаратилаётганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Дарҳақиқат, аёл жамиятнинг оддий фуқароси бўлибгина қолмай, бугун у тадбиркор, ишбилармон, олима, давлат арбоби ва табаррук онадир. Шу боис ҳам опа-сингилларимиз, ҳукуматимиз эҳтироми ва эъзозида. Ўзбек аёли гўзал шарқона ахлоқий фазилатлар соҳибаси сифатида ақл-заковатининг теранлиги, шижоати, серқирра меҳнати орқали кун сайин ўз нуфузини ошириб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда аёлларга қаратилаётган эътибор ва ҳурмат натижасидир.

Тажрибали устозлар Шарофат Камолова ва Наргиза Турғунова раҳбарлигидаги синфлар томонидан тайёрланган байрам дастури тадбирни янада қизиқарли ва кўтаринки рухда ўтишига ҳисса қўшди. Ўқувчилар томонидан оналаримиз, опа-сингилларимизга бағишланган шеърлар ўқилиб, қўшиқлар куйланди. Намойиш этил-ган саҳна кўринишлари эса ўқувчиларда онага бўлган меҳр-муҳаб-бат, уларни улуғлаш, иззат-икром кўрсатишдек эзгу фазилатлар-ни шакллантиришга хизмат қилади.

Халқимиз азалдан аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, уларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келган. Истиқлол йил-ларида бу эзгу анъана янгича маъно-мазмун билан бойиди. Бугун-ги кунда ўзбек аёлининг эришаётган муваффақияти таҳсинга са-зовор. Оила билан бир қаторда ўз кучи, билим ва маҳорати билан юқори чўққиларни забт этаётган аёлларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улар бугун жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, олима аёлларимиз, нуроний бувижонлар ёш авлод келажагининг баркамол бўлишида камарбаста бўлиб келишмоқда.

**Зулфия КАРИМОВА,**
**Сергели туманидаги 303-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

# "УДДАБУРОНЛАР"ГА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

***Ҳаммамиз ҳам яхши ҳаёт кечириш, турмуш тарзимизнинг фаровон бўлишига интилиб яшаймиз. Катта-катта орзу-истаклар қилиб, уларни рўёбга чиқариш йўлида меҳнат қиламиз, аниқроқ айтадиган бўлсак, мақсадларимиз рўёбига хизмат қиладиган маблағларни топишга ҳаракат қиламиз.***

Бу яхши, албатта. Топаётган пулларимиз ҳалол йўл билан, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасдан, ўзгаларни алдаш, зор қақшатиш ҳисобига эмас, пешона теримиз эвазига келса нур устига аъло нур бўлади.

Аммо ҳамма ҳам ўз мақсадига эришишда тўғри йўлдан бормайди. Тез ва осон даромад кўриш илинжида бировларни алдаш, чув тушириб, зор қақшатишдан ҳам тап тортмайди. Бизнинг "қаҳрамонимиз" ҳам ана шундай осонгина пул топиш илинжида бўлганлардан бири.

Гап шундаки, Наргиза Пирматова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2016 йилнинг баҳор ойларида ўз уйига яқин жойда жойлашган дўконда савдо қилади-ган Ситора Мамажонова билан танишади. Ўша йилнинг май ойида С.Мама-жонова унга Россиянинг Москва шаҳридан жарроҳлик ипини олиб келиб со-тиш билан шуғулланишини ва Н.Пирматовага бу ишга пул берса фойда билан қайтаришини айтади. Яъни 5 000 АҚШ доллари берса, унинг устига қисқа муддатда 700 АҚШ доллари қўшиб қайтаришини тушунтиради. Бунга ишонган Н.Пирматова сўралган пулни беради. Ваъдасига вафо қилибми ёки ишончига кириш учунми С.Мамажонова ҳам айтилган вақтда қўшимчаси билан 5 700 АҚШ долларини қайтаради. Орада ишонч пайдо бўлади.

2017 йилнинг август ойига қадар томонлар орасида беш мингдан ўн беш минг АҚШ долларигача бўлган пуллар олди-берди бўлади ва устамалари билан қайтарилади. С.Мамажонова август ойининг бошларида тезда Москвага етказиш кераклигини айтиб, Н.Пирматовадан 25 000 АҚШ доллари олади. Орадан 2-3 кун ўтгач С.Мамажонова доктори-мга зарур бўлиб қолди деб яна 6 минг АҚШ доллари олади ва бу пулларга албатта устама қўшиб қайтаришини ваъда қилади. Аммо пулларни вақтида қай-тара олмагач янги найранг ўйлаб топади. "Шу десангиз жарроҳлик ипи сав-доси юришмай қолди, сентябрь ойининг бошларига юракка қўядиган стендга бу-юртма тушган, шу ишни қилсак сиз ҳам, мен ҳам яхшигина фойда кўрамиз", деб Н.Пирматованинг кўнглини "пуч ёнғоққа" тўлдиради ва 20 минг АҚШ долларини қўлга киритади. Бир ҳафтадан сўнг пулларнинг ҳаммасини бир қилиб жами 58 минг АҚШ доллари қайтаришини айтади.

Шу ўринда бир савол туғилади, С.Мамажонова бу пулларни устамаси билан қайтаришни қандай амалга оширган ёки ҳақиқатдан ҳам юқорида номлари айтилган тиббиёт жиҳозларини келтириб сотганми? Йўқ, бундай бўлмаган. Унинг таниши бўлган Дилбар опа ҳам Н.Пирматова сингари унинг алдовларига ишониб, пулларини бериб юрган. Бундан англаш мум-кинки, "қаҳрамонимиз" Дилбар опадан олинган пулларни Н.Пирматовага, ун-дан олганларини эса Дилбар опага қай-тариб, маълум қисмини ўз эҳтиёжига ишлатиб юраверган. Охири эса сизу бизга маълум.

С.Мамажоновага Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят Кодексининг бир қанча моддаларига кўра тегишли жазо тайин-ланди.

**Азиз НЕЪМАТУЛЛАЕВ,**
**Яккасарой тумани прокуратураси катта терговчиси**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Миробод филиали биносига ви-деокузатув тизимини ўрнатиш мақсадида махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси,10-уй.

Телефонлар: 215-59-45, 299-78-16.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Миробод филиали оргтехникалар-ни сотиб олиш мақсадида ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси,10-уй.

Телефонлар: 215-59-45, 299-78-16.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими қуйида кўрсатилган товар-моддий бойликларни харид қилиш учун ички**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Тошкент шаҳрида жойлашган умумий юрисдикция судлари принтер, нусха кўчириш аппаратларини жорий таъмирлаш, картриджларни тонер билан тўлдириш бўйича хизматлар учун бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм;
2. Тошкент шаҳрида жойлашган умумий юрисдикция судларига канцелярия моллари харид қилиш учун бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм;
3. Хизмат автомашиналарига метан газ ёқилғиси қуйиш шохобчасини танлаш учун (ёқилғи қуйиш шохобчаси Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бўлиши шарт) бошлан-ғич баҳоси – 65 000 000 сўм;
4. Тошкент шаҳри иқтисодий суди маъму-рий биносига "Panasonic NS-500" маркали мини АТС тизими (ички телефон рақам – 65 та, шаҳар телефон рақам – 6 та)ни харид қилиб, ўрнатиш учун бошланғич баҳоси – 19 500 000 сўм;
5. Тошкент шаҳрида жойлашган умумий юрисдикция судларига қоғоз маҳсулотини ха-рид қилиш учун бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм;

Изоҳ: Юқорида кўрсатилган энг арзон, си-фатли товар ва хизматларни таклиф қилувчи ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузу-рида судлар фаолиятини таъминлаш депар-таменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 62-уй манзилига, 253-51-10 телефон рақамига ёки тижорат таклифини d.tsh@sud.uz электрон почтасига юборишла-ри мумкин.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси темир архив жавонидан 2760x1000x560мм/7 ўлчамдан 9 дона, 2760x1000x280мм/7 ўлчамдан 4 дона, темир эшикдан 1 дона ва 2.9 кв.м темир панжара ясаш бўйича корхоналар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уй. Тел: 241-77-29. Факс: 239-35-01.

E-mail: kanc@kadastr.uz

Қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Эшдавлатов Маманазар Кулдошович номига Чилонзор тумани, 14-даҳа, 10"А"-уй, 22-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 301-сонли мактаб томонидан 2001 йилда Ахунджанова Дилфуза Яку-бовна номига берилган O`R-Z № 0902519 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 203-сонли мактаб томонидан 2003 йилда Алиакбаров Обидхон Олим ўғли номига берилган № 4034813 рақамли шаҳодатно-ма йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва туман бўлимлари Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг собиқ раиси

**Ўктамхон Толиповна ВОҲИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида 7 **март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 **мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1279

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12596 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 17.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345